



International Educators Conference

Hosted online from Toronto, Canada

Website: econfseries.com

7th July, 2025

**МАМЛАКАТ БАРҚАРОР ИҚТИСОДИЙ ЎСИШИНИ
ТАЪМИНЛАШДА КИЧИК БИЗНЕС ВА ТАДБИРКОРЛИК
ФАОЛИЯТИНИНГ АҲАМИЯТИ**

Расулов Шавкат Шароф ўғли

ЖизПИ, Иқтисодиёт ва менежмент кафедраси доценти в.б.

Примкулова Зарина Фурқат қизи

Жиззах политехника институти талабаси

Аннотация:

Мазкур мақолада кичик бизнес ва тадбиркорликнинг мамлакат иқтисодий тараққиётини таъминлаш, янги иш ўринларини яратиш, аҳолининг даромадлари ва фаровонлигини оширишдаги роли очиб берилган.

Калит сўзлар: Тадбиркорлик, кичик бизнес, иқтисодий тараққиёт, иш ўринлари, даромад, фаровонлик.

**THE IMPORTANCE OF SMALL BUSINESS AND ENTREPRENEURIAL
ACTIVITY IN ENSURING SUSTAINABLE ECONOMIC GROWTH OF
THE COUNTRY**

Annotation:

This article reveals the role of small business and private entrepreneurship in ensuring the economic development of the country, creating new jobs, increasing incomes and welfare of the population.

Keywords: entrepreneurship, small business, economic development, jobs, income, prosperity.

Мамлакатимиз иқтисодиётини тараққий эттиришда кичик бизнес ва тадбиркорлик алоҳида аҳамият касб этади ва ҳозирги шароитда унинг роли янада ортиб бормоқда. Шу сабабдан ҳам кичик бизнес ва тадбиркорликни



International Educators Conference

Hosted online from Toronto, Canada

Website: econfseries.com

7th July, 2025

жадал ривожлантириш ҳар қандай мамлакат иқтисодиётининг барқарор ўсишини таъминловчи асосий бўғин ва амалга оширилаётган иқтисодий ислохотларнинг устувор йўналиши ҳисобланади. Иқтисодиётда рўй бераётган турли ижобий ўзгаришлар кўп жиҳатдан кичик бизнес ва тадбиркорликнинг ривожланиши билан узвий боғлиқдир.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев таъкидлаб ўтганларидек: “...жиддий ва кундалик эътиборини талаб қиладиган яна бир муҳим йўналиш бор. Бу - хусусий мулк ва тадбиркорликни янада ривожлантириш ва уларнинг таъсирчан ҳимоясини таъминлашдир”.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017-йил 7-февралдаги ПФ-4947-сон Фармони билан тасдиқланган 2017-2021-йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясининг «Ижтимоий соҳани ривожлантиришнинг устувор йўналишлари» номли бобида тадбиркорлик ва бизнесни ривожлантириш асосида янги иш ўринларини яратиш ҳамда аҳолининг, энг аввало, таълим муассасалари битирувчиларининг иш билан бандлигини таъминлаш, ишсизлик даражасини камайтириш вазифаси белгиланган.

Кичик бизнес ва тадбиркорликни ривожлантириш асосида бир қатор ижтимоий-иқтисодий вазифалар ҳал этилиши назарда тутилади:

➤ биринчидан, жаҳон тажрибаси шуни кўрсатадики, кичик бизнес ички бозорни зарур товар ва хизматлар билан тўлдирадиган, иқтисодиётнинг таркибий негизини белгилаб берадиган энг муҳим сектор ҳисобланади, шунингдек, аҳолини, айниқса, ёшларни иш билан таъминлашда, уларнинг иқтисодий мустақилликка эришишлари ва ҳаётда ўз ўринларини топиб кетишларида энг асосий омил ва манба бўлиб хизмат қилади;

➤ иккинчидан, ҳозирги шароитда жаҳон ва минтақавий бозорларда рақобат кескинлашиб бораётгани ҳаммага аён. Айнан кичик бизнес ўзининг ҳаракатчанлиги, кам сармоя талаб қилиши ҳисобидан ишлаб чиқаришни енгилроқ ва тез модернизатсия қилиш, ишлаб чиқарилаётган маҳсулот турларини янгилаш имкониятига эга экани ва шу тариқа бозор конъюктурасининг ўзгарувчан талабларига яхши мослаша олиши билан эътиборлидир;



International Educators Conference

Hosted online from Toronto, Canada

Website: econfseries.com

7th July, 2025

➤ учинчидан, кичик бизнес ва тадбиркорлик ўсиши билан мамлакат таянчи ва суянчи бўлган мулкдорлар ўрта синфини шакллан-тириш вазифаси бевосита ҳал этилади. Умуман айтганда, кичик бизнес ва тадбиркорлик бугунги кунда аҳоли бандлигини таъминлайдиган ва унинг асосий даромад манбаи бўлган муҳим бўғин ҳисобланмоқда.

Энг аввало, ёшларга хос тадбиркорлик ва ташаббускорлик тадбиркорлик фаолиятида ўз ўрнини топмоқда, ўз бизнесини ташкил этиш ва ривожлантиришда қўлланиляпти.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни янада ривожлантиришда 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича ҳаракатлар стратегиясининг иқтисодий ривожлантириш ва либераллаштириш бўйича учинчи устувор йўналишида эса, иқтисодий давлат иштирокини камайтириш, хусусий мулкнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва унинг истиқболли ролини янада кучайтириш, кичик бизнес ва тадбиркорлик ривожланишини рағбатлантиришга қаратилган институционал ва таркибий ислохотларни давом эттириш, хусусий мулкнинг ҳуқуқ ва кафолатларини ишончли ҳимоя қилишни таъминлаш, барча турдаги тўсқинликлар ва чекланишларни бартараф этиш, хусусий тадбиркорлик ва кичик бизнесни ривожлантириш йўлида тўлиқ эркинлик бериш, амалиётда “Агар халқ бой бўлса, давлат ҳам бой ва кучли бўлади” деган принципни амалга ошириш, кичик бизнес ва тадбиркорликни кенг ривожлантириш учун қулай ишбилармонлик муҳитини яратиш, тадбиркорлик тузилмаларининг фаолиятига давлат, назорат ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг ноқонуний аралашувини қатъий олдини олиш, давлат мулкни хусусийлаштириш тартиб-таомилларни янада кенгайтириш ва соддалаштириш, хўжалик юритувчи субъектларнинг устав жамғармаларида давлат иштирокини камайтириш кўзда тутилган.

Албатта мазкур соҳада қўлга киритилган ютуқлар билан бир қаторда, бугун унга тўсиқ бўлаётган ва унинг ривожланишига халақит бераётган муаммоларни яна бир бор батафсил, чуқур таҳлил қилиш ҳамда қилинган таҳлиллار асосида аниқ, стратегик қарорлар қабул қилиш заруриятини туғдирмоқда.



International Educators Conference

Hosted online from Toronto, Canada

Website: econfseries.com

7th July, 2025

Ўзбекистонда бу соҳада ҳали ишга солинмаган жуда катта салоҳият ва имкониятлар мавжуд эканини, дунёдаги тараққий топган давлатларда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ялпи ички маҳсулот ҳажмида етакчи ва ҳал қилувчи ўринни эгаллаётганини инобатга оладиган бўлсак, бу йўналишда қиладиган ишларимиз нақадар кўплиги аён бўлади.

Шундай экан, иқтисодийни модернизациялаш шароитида иқтисодийтимизнинг локал тармоқларидан саналган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари фаолиятини ривожлантириш тенденцияларини чуқур таҳлил қилиш ҳамда мазкур соҳани янада давлат томонидан қўллаб қувватлаш борасидаги чора-тадбирлар мажмуасини тубдан такомиллаштириш фикримизча, бугунги кундаги энг долзарб масалалардан биридир.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг мамлакатимизни 2016 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг асосий яқунлари ва 2017 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилган мажлисидаги маърузаси. www.uza.uz
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармони Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида, Тошкент шаҳри, 2017 йил 7 феврал.
3. Тенденции социально-экономического развития Узбекистана (2005-2014 гг.) / под общей редакцией д.э.н. А.М.Садикова / Ташкент: ИФМР, 2015.-97 с.; Экономика Узбекистана. Информационно-аналитический бюллетень за январь-декабрь 2017 года. Т.: Center for Economic Research, 2018 год.
4. Gaybullayevna, R. S. (2023). THE STATE OF THE DIGITAL ECONOMY TODAY: PROBLEMS AND SOLUTIONS. JOURNAL OF ECONOMY, TOURISM AND SERVICE, 2(12), 38-42.
5. Sharifa, R., & Ilyos, T. (2023). PRINCIPLES OF SCIENTIFIC MANAGEMENT IN MANAGEMENT. Новости образования: исследование в XXI веке, 2(16), 1097-1100.



International Educators Conference

Hosted online from Toronto, Canada

Website: econfseries.com

7th July, 2025

6. Sharifa, R., & Sayyora, M. (2023). HISTORY OF EMERGENCE OF MANAGEMENT AND ITS PLACE TODAY. Новости образования: исследование в XXI веке, 2(16), 1093-1096.
7. Sharifa, R. (2023). DIRECTIONS FOR INCREASING INVESTMENT ATTRACTIVENESS IN REGIONS. Новости образования: исследование в XXI веке, 2(16), 1088-1092.
8. Sharifa, R., & Nozima, T. (2023). QUALITY MANAGEMENT IN COMPETITIVE CONDITIONS IS THE MAIN FACTOR OF ENTERPRISE SUCCESS. SCIENTIFIC APPROACH TO THE MODERN EDUCATION SYSTEM, 2(20), 200-203.
9. Sharifa, R., & Mahliyo, K. (2023). ORGANIZATIONAL STRUCTURE OF ENTERPRISES AND THEIR APPEARANCES. JOURNAL OF ECONOMY, TOURISM AND SERVICE, 2(5), 77-83.
10. Gaybullayevna, R. S. (2023). WOMEN'S ENTREPRENEURSHIP IS A FACTOR OF INCREASE IN OUR COUNTRY'S ECONOMIC WELFARE AND SOCIAL DEVELOPMENT. JOURNAL OF ECONOMY, TOURISM AND SERVICE, 2(5), 73-76.
11. Gaybullayevna, R. S. (2023). MODERN FUNDAMENTALS OF FINANCIAL MANAGEMENT OF INVESTMENT ACTIVITY. JOURNAL OF ECONOMY, TOURISM AND SERVICE, 2(5), 51-54.
12. Gaybullaevna, R. S. (2023). Methods for Assessing the Economic Efficiency of Investments in Construction. European Journal of Higher Education and Academic Advancement, 1(1), 95-98.